

МУАЛЛИФ “МЕН”И СИЁСИЙ ПОРТРЕТ ТАРКИ- БИДА: ЎРНИ, ИШТИРОКИ ВА ИФОДАЛАРИ

Ё.Н. Комилова, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети

Изоҳ: Ушбу мақолада кулги — унинг таъсир кучи ва жамиятдаги камчиликларни аниқлашдаги вазифаси муҳокама қилинади. Тадқиқотларимиз натижасида ўзбек адабиётида янги йўналиш вужудга келган XX аср бошларида бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлиги исботланди. Бадиий адабиётнинг муҳим турларидан бири бўлган сатира, жумладан, кулгининг жанрлари, мазмун-моҳиятини белгилаш борасида кўплаб фикрлар билдирилди, эстетик тафаккурни бойитилувчи қатор асарлар нашр этилди. Асар натижасида кулгунинг ҳаёт ва адабиётдаги маъноси, ўрни аниқланади.

Калит сўзлар: сиёсий портрет, муаллиф “мен”и, услуб, маҳорат, сиёсий шахс, етакчи, сиёсий образ.

Кириш ва гипотеза

Ўрганилаётган мавзунинг долзарблиги, журналистика назариясида адабиёт назариясидан фарқли ўлароқ жуда кам ўрганилганлиги ҳамда сиёсий портрет жанрида муаллифнинг қаҳрамон ва давр жараёнларини талқин этишдаги позицияси, муносабати аниқ ифодаланиши зурурлиги билан белгиланади. Сиёсий арбобларнинг фаолияти, ўз мамлакати тараққиётидаги ўрнини аудиторияга кўрсатиб беришда муаллифнинг дунёқараши, эрудицияси, худудий, минтақавий ва глобал сиёсий жараёнларни компетент тарзда идрок этиши, унинг юксак ижодий маҳорати билан боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистон, Россия ва АҚШ етакчи сайтларида чоп этилган сиёсий портрет кўринишидаги материалларда муаллиф аҳамияти, сюжетдаги иштироки ва унинг мавжудлиги ифодаларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб илмий масалалардан биридир. Муаллиф “мен”и масаласи, уни ифода қилиш омиллари қатор хорижий ва ватанимиз тадқиқотчилари томонидан турли ракурсларда ўрганилган. Хусусан, муаллиф “мен”ининг лексик маъноси, шахснинг демократик хусусиятлари, позицияси бевосита муаллиф нуқтаи назарida акс этиши, материалнинг комплекс моҳиятида муаллиф ўрни аниқ белгиланиши (Дабагян, 2005 бети), (Фрейджер., Фэйдимен, 2004), (Джукман Элиса Раид Нахлех, 2019)ларнинг илмий қаравшларида, шунингдек, (О. Шарофиддинов, 2004, 631), (Н. Эшонқул, 2014) (Х. Дўстмуҳаммад, 2011, 313) каби олимлар ёзувчи, адабиётшунос, публицист сифатида бадиий асар, публицистик мақолалар талқинида муаллиф “мен”ининг яққол ифодаси, унинг асардаги “имзо”сига айланиши зарурлигини фикрлари, ижод намуналарида бевосита ва билвосита акс эттирган. Масалан, “Ҳар бир публицистик асарда сўз юритилаётган муаммога нисбатан муаллифнинг позицияси, муаллиф “мен”и бўртиб кўриниб туриши керак” (Курбонова, 2010) – дейди журналист, олим Х. Дўстмуҳаммад “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига берган интервьюсида. Мулоҳазамизча, муаллиф “мен”и – шахсий қаравш, мавзу, масалани ўрганиш жараёнида ўз нуқтайи назарини ифода қилиш, тафаккур, дунёқараши сарҳадларини фикрлари воситасида акс эттириши, муносабат билдириш, қатъиятини кўрсатиш, позицияси орқали жамиятга, жамоатчиликка таъсири каби моҳияти билан характерланади. “Инсон ўзини, ўзлигини англаши... уни билиш, тушуниш...” (To’laganova, 2022) каби тушунчалар муаллиф

KOMILOVA Yorkinoy
No'monovna - 2nd stage
basic doctoral student
of Journalism and
Mass Communications
University of Uzbekistan

КОМИЛОВА Еркиной
Номоновна, базовый
докторант 2-й ступени
Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

“мен”ини талқин қилишда энг муҳим босқич саналади. Мазкур жараён муаллифнинг шахс сифатида шаклланиши, билдирилаётган фикр аниқ, яққол ифодаланишига хизмат қиласи. “Мен” талқини когнитив сўзи билан узвий боғлиқ. “Когнитив сўзи инглизча (лотин) “cognize” сўзидан олинган бўлиб, у билмоқ, англамоқ, тушунмоқ ва фикрламоқ ёки “cognition”— билиш, тушиниш” (Алимов, 2019) деган маъноларни англатади. Англаш жараёни муаллиф нуқтайи назарини тўғри ва аник йўналтирилишини таъминлайди. Шу боис муаллиф ва мавзуу ўртасида ўзаро таъсиралиши ҳодисаси юзага келиши зарур. Яъни “Мен” (субъект) борлик (объект) билан мулоқотга киришгандан кейингина ўзини намоён қиласи” (Улуғбек Ҳамдам, 2014). Сиёсий йўналишда муаллиф “мен”и борлик, яъни жамият билан тез реакцияга киришади. Чунки инсониятнинг мавжудлиги, унинг яшаси, атроф-муҳитга бўлган ижобий, салбий муносабати сиёсатнинг бир кўринишидир. Буюк мутаффакир Аристотел “...инсон ўз табиатига биноан сиёсий мавжудот эканлигини...” (Қирғизбоев, 2013, 9) таъкидлайди. Одамзотнинг бу оламга жарсолиб келишининг ўзи ҳам унинг борлигини, сиёсатнинг ilk унсурларидан биридир. Жамият, ҳалқ, миллат мана шундай сиёсатчилардан ташкил топган, аслида. Мураккаблиги шундаки, бундай “сиёсатчилар”-нинг турли нуқтайи назарини давлат ва жамиятнинг муштарак сиёсатига бирлаштириш, йўналтириш, сайқаллаш, ишонтиришда ОАВнинг таъсири механизми, вазифаси янада ортади. Шу боис, сиёсий фаолиятда муаллиф “мен”и, таҳлили етук журналистлар аудиториясини шакллантириш ҳар бир даврнинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Усуllар ва манбалар

Мақолада қиёсий таҳлил, синтез, индукция, дедукция методларидан фойдаланилди ҳамда мавзуу моҳияти, зарурати, аҳамияти таҳлил қилинди. Босма ва интернет нашрларидағи миллий ва хорижий материаллар ўрганилиб, муаллифларнинг ифода услуби, ёндашуви, мақоладаги ўрни, иштироки киёсланиб тадқиқ этилди.

Эмпирик база сифатида миллий ОАВдан “Халқ сўзи”, “Кун.уз”, Россиянинг “Ведомости”, АҚШнинг “Newsweek” нашрларида чоп этилган сиёсий портрет кўринишидаги материаллар ўрганилди.

Натижалар

Тадқиқотчи Р. Бернс “Мен” – концепцияни иерархик тузулма кўринишида тасаввур қиласи. “Мен” тушунчасини ““глобал Мен” “реал Мен”, “идеал Мен”, “кўзгули Мен”, “ақлий Мен”, “эмоционал Мен” (Алимов, 2021) каби моҳиятларда акс эттиради. Натижада, шахснинг ривожланишига доир психологик унсурлар муаллиф нуқтai назарida бевосита юзага чиқади. Материал талқинида муаллиф дунёқарashi юқорида келтирилган “мен” кўринишлари билан узвий англашилиб туради. Мавзунинг танланиши, матн контексти, услуби, тили, сиёсий, ижтимоий хусусиятлари жиҳатидан долзарблиги муаллифнинг материалдаги ўрнини белгилаб беради. Журналист ёритилаётган манбани ҳалққа яқинлаштира олиш ёки аксинча узоқлаштириш имкониятига эга. Бунда юқорида келтирилган “мен” ифодалари муҳим концептуал вазифани баҳаради. Яъни, жамиятнинг кичик бир масаласини ҳам долзарблигини исботлаб бериши, унинг глобал миқёсда ёндашувини билдиради. Билакс, глобал мавзунинг асос нуқтасини ўқувчига етказа олмаса, жамият ушбу муаммонинг ечими заруриятини ўйламайди, бу жамоатчилик назоратини уйғота олмаслиқ, натижада давлатнинг бошқарув функцияларидан ўзини олмасади.

яси механизмини тартибга солишини издан чиқаради. Илмий-назарий таҳлил қиласиган бўлсақ, муаллиф “мен”и жамият уйғонишига туртқи берадиган “овоз” ҳисобланади. Аниқ, далилланган таҳлиллар, муаммони ОАВ “кўзгуси”да акс эттириш, жамиятга, давлатга “ойна” тутиш, унда муаллифнинг акси намоён бўлиши, тафаккур имкониятлари, ҳиссиятнинг мавзуга муносабатида англашилиб туриши, мазкур ифодаларнинг профессионал тарзда талқин қилиниши муаллиф “мен”и натижадорлигини таъминлайди. Афсуски, сиёсий мавзулар ёритилишида миллий нашрларимизда муаллиф фикри, унинг ички хусусиятлари, аслий қарашлари яққол ўрин олмаяпти. Давлат марказий нашрлари, “Халқ сўзи”, “Янги Ўзбекистон”, партия газеталаридан “Миллий тикланиш”, “XXI asr” газеталарида мамлакатимиз сиёсий етакчилари, уларнинг фаолияти, бошқарувдаги ўрни, роли, позицияси, вазифалари, етакчи сифатида ўзига хос хусусиятлари кенг ёритилган таҳлилий мақолаларни деярли учратмаймиз. Аксарият, муаллифлар, муаллифлар груҳи, Таҳририят тайёрлаган материаллар ҳам маълумот бериш формати, мазмунида ифодаланади. Масалан, “Мигрантлар – фидойи фарзандларим. Агар раҳбар бўлиб ишласам, улар ҳеч қачон солиққа тортилмайди – Шавкат Мирзиёев” (Мигрантлар, 2021), “Танзила Нарбаева Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат кўмитаси раиси Чон Хе Чол бошчилигидаги делегация билан учрашди” (Танзила Нарбаева, 2023) каби материалларни келтириш мумкин. “Kun.uz”, “Daryo.uz” сингари интернет нашрларида хорижий сиёсатчилар ҳақида таҳлилий мақолалар талайгина, аммо, ушбу материаллар ҳам таржима қилиниб берилади. Шунингдек, давлатимиз сиёсий шахслари тўғрисида аудитория учун уларнинг фаолиятини очиқлайдиган ишончли материаллар салмоғи кам. “Трамп маҳфий хизмат иш ҳақи фондининг бир йиллик пулинин сарфлаб бўлди” (Трамп, 2017) мақоласи шулар жумласидан. Аксарият мақолаларнинг сарлавҳаси “қолиплашган”, “навбатчи”, сиёсий етакчилар нутқидан “кесиб” олинган, кўплаб сўзлардан иборат тартибда берилган, зерикарли сарлавҳалар мазмунини акс эттиради, мустақил, таҳлилий ёндашуви намоён бўлмайди. Самародорлик учун сиёсий йўналишда ихтисослашган муаллифлар аудиториясини кенгайтириш зарур. Шунингдек, Фрейджер ўз тадқиқотларида ““Шахс демократия”си тушунчасини фикрни тўлиқ, аниқ, равон, муфассал, моҳиятнинг бутун акс эттиши билан изоҳлайди” (Фрейджер, 2004). Мулоҳазамизча, мазкур шахсий қарашларнинг муаллиф “мен”ига ҳам имплементация қилиниши мақолада муаллиф нуқтаи назарининг яққол ифодасини таъминлайди. Натижада, сиёсий мавзудаги материалларни ўрганиш жараёнида шахс демократиясининг муаллиф демократиясига тадбиқ этилишини хорижий нашрлардаги мақолалар мисолида кўришимиз мумкин. Аммо, миллий босма ва интернет манбаларида сиёсий мавзулар қамровида муаллиф демократияси деярли акс этмайди. Ижтимоий тармоқлардаги контентлар бундан мустасно, албатта. Шу нуқтаи назардан мазкур илмий қарашларни миллий нашрлар қамровида изчил жорийланиши натижада беришида муҳим омил саналади.

Мунозара

Сиёсий етакчилар, уларнинг портретини ифодалашда муаллифнинг ҳам ўзига хос сиёсати бўлиши долзарб ҳисобланади. Журналист нуқтаи назарини талқин қилиш маҳорати орқали мавзуни ўз измига солади ёки аксинча мавзу кўламида ўзлигини йўқотади. Яъни таниқли журналист Хуршид Дўстмуҳаммад таъкидлаганидек, “...муаллиф мавзунинг пана-

JAMOATCHILIK BILAN ALOQALAR

сида қолиб кетган, нұқтаи назари, “мен”и факт ва рақамлар гирдобига ғарқ бўлиб кетган мақолалар қўп учрайди. Факт ва рақамлар мақола кўлами, салмоғини, асосини белгилайди. Фикрни исботлаш, мулоҳаза таъсирини кучайтириш, аудитория ишончини оширишга хизмат қиласди. Аммо, мақоланинг умумий шакли фақат рақамлар концепциясидан иборат бўлса, материалнинг моҳияти хисбот форматига айланади, яъни муаллиф мавзуу “соя”сида қолиб, ўзини топа олмайди. Масалан, “Халқ сўзи” газетасида “Замон шиддати биздан янги марралар сари интилиб яашашни тақозо этади” сарлавҳали мақола муаллифлар гурӯҳи З. Жонибеков, И. Аввалбоев, А. Шокировлар томонидан эълон қилинган. Унда давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёвнинг Хоразм вилоятига ташрифи муаллиф томонидан учинчи шахс тилида баён қилинган. Мақола расмий услугда, жумлалар бир хил “қолип”даги форматда, ҳар бир ҳудудга хос географик, сиёсий, иқтисодий, маданий хусусиятлар акс эттирилмаган мазмунда ифодаланган. Аудиторияга тақдим қилинаётган мақола жуда катта сиёсий жараёнга қаратилганлигини, давлат раҳбари нинг бу борада ҳудуд келажагига даҳлдор бўлган унсурларини муаллиф мақола марказига олиб чиқиши зарур эди. Материалда қўйидаги жумлалар мавжуд: „...Оилавий тадбиркорлик дастурлари учун берилган 940 миллиард сўмга кўшимича 100 миллиард сўм йўналтирилиши белгиланди...” (Жонибеков, 2023). Мақолада таълим, тадбиркорлик, саноат, ижтимоий масалалар қамрови рақамлар мисолида ифодаланади. Ушбу ҳолат юқорида келтирилган олим ва журналист Х. Дўстмуҳаммад фикрларини бевосита исботлайди. Фикримизча, амалий натижаси сифатида фуқароларнинг фикрлари келтирилганида ўринли бўларди. Мақолада муаллиф “мен”и акс этмайди, у баёнчига айланади. Шунингдек, “Кун.уз” нашридаги “Бу ғалаба билан фаҳранаман” – Саида Мирзиёева зўравонликка қарши қонун имзоланганини маълум қилди” мақоласида “Мен барча давлат органлари, фуқаролик жамиятлари, фаоллар ва медиа – барча-барчани бу жараёнга қўшилиб, зўравонликка қарши курашнинг ягона механизмига айланишга чақираман” (Бу ғалаба, 2023) – дея сўзлаган нутқи келтирилади. Таҳририят муаллиф сифатида учинчи шахс тилида маълумотларни тақдим қиласди. Таҳлилий равишда қонунни сода, равон услугда ифодалайди. Аммо, мамлакатдаги муҳим сиёсий жараёнлар, қонунчилик ислоҳотлари, сиёсий етакчининг муносабати каби муштарақ омиллар уйғунлашган нұқтада муаллифнинг шахсий фикри, “мен”и ифода қилинмай, нофаол иштироқи кузатилади. Ушбу ёндашув орқали нафақат сиёсий шахснинг “қиёфа”си, балки, муаллифнинг қарашлари ҳам мавҳум маъно касб этади. ““Мен”ни англамаслик, ўзини тушунишдан кўркиш, қочиш, аммо, ўзлиги билан рўбарў келиш азоби” (To’laganova, 2022)ни тадқиқотчи Санобар Тўлаганова адабиётшунос ва журналист Н. Эшонқул фикрлари орқали таҳлил қиласди. Юқоридаги илмий қарашлар ва мисоллар асосида қўйидагича мулоҳаза қиласми:

- сиёсий шахснинг позициясини тўлақонли англамаслик, мавзуга юзаки ёндошиш;
- сиёсатчи фаолиятини англаған холда, муаллиф нұқтаи назарини намоён қилмаслик;
- сиёсий етакчининг сиёсий мақоми соясида муаллиф “мен”ини акс эттиримаслик;
- муаллиф демократиясини амалий қўллай олмаслик.

Мазкур фикрлар доирасида хорижий нашрларни тадқиқ этамиз. “Donald Trump Braces for Second Indictment as Legal Problems Pile Up” мақоласи “Newsweek” журналида James Bickerton муаллифлигига эълон қилинган.

Мазкур мақола “Доналд Трамп Грузиядаги 2020 йилги президентлик сайлови натижаларини бекор қилишга уринишда, жинсий тажовузда айбланаётгани, АҚШ тарихида жиной жавобгарликка тортилган биринчи собық президент эканлиги, мазкур айловлар тасдиқланмаса, Трамп Республикачилар партиясидан 2024 йилги президентликка номзод бўлиш учун хозирда асосий давъогар” (Bickerton, 2023)лиги изоҳланади. Яъни, муаллиф фаоллик билан мутолаачини муаммо билан юзлаштиради, бевосита масаланинг асл моҳиятини талқин қилишга эътиборини қаратади, муаллиф сифатида матн моҳиятида “яшайди”. Мақолани нафақат, учинчи шахс тилида, балки, оппонент сифатида эътирози, аччиқ ҳақиқатларни очиқ, ошкора, таҳлилий, танқидий ифода воситалари билан далиллайди. АҚШнинг собық президенти Доналд Трамп ва унинг атрофидаги мишишлар, буларнинг нечоғлик асосли эканлиги, хуқуқий омиллари, собық президентнинг сиёсий майдонда доимий ўрнини мустаҳкамлашга интилиши, бунинг учун барча сиёсий технологияларни кўллаши, унинг АҚШ президенти бўлишга ўзини ҳақли дея билиши, демократ партиядан сайланган АҚШнинг амалдаги президенти, рақиби Жо Байден хукуматини тан олмай, доимий кураш жараёни ташлаши унинг ўзига хос характерли сиёсатчи эканлигини кўрсатиб беради. “Ведомости” газетасида муаллиф Дмитрий Тренин томонидан “20 лет Владимира Путина: трансформация внешней политики” мақоласида “...президентнинг ўзи 1999 йилдан бошлаб иккита асосий мақсадни кўзлаган: Россиянинг бирлигини сақлаб қолиши ва жаҳон миқёсида унинг буюк давлат мақомини тиклаш. У муваффакиятга эришди” (Тренин, 2023) жумлалари материалнинг асосий моҳияти, ўзагини ташкил этади. Аудитория материал билан танишишда Россия президенти Владимир Путин, унинг сиёсий қиёфаси билан яқинлашади. Буни муаллифнинг муваффакияти сифатида баҳолаш мумкин. Сиёсий майдонда буюклик учун даъво қиласиган давлатлар ўз позицияси билан ажralиб туради. Хусусан, мураккаб сиёсий алоқаларда, яъни, сиёсатчилар доимий равишда АҚШ ва Россия давлатлари манфаатлари тўқнашувини кенг муҳокама қилиб келади. Шу нуқтани назардан муаллиф мақолада масаланинг айни шу долзарб, мунозарали жиҳатини ҳам назардан қолдирмаган. В.В. Путиннинг ташқи сиёсатдаги позицияси, қудрати, сиёсий стратегик тафаккури, НАТО, АҚШ, Европа мамлакатлари билан муносабатлари, мураккаб ўзгарувчанлик хусусиятлари муаллифнинг кузатувчи, танқидий, таҳлилий ифодаларида, фаол сиёсий қараши, иштироқида намоён бўлади.

Фикримизча, Россия президенти Владимир Путиннинг ташқи сиёсат, умуман сиёсатдаги ўрнини аниқ формула асосида баҳолаб бўлмайди. Унинг кутилмаган сиёсий бурилишлар, эврилишлардан ташкил топган бошқарув услуги ҳар бир давлат ва унинг етакчиси учун сиёсатчи сифатида алоҳида тайёргарликни талаб қилади.

Хуласалар

Муаллиф “мен”и тушунчаси, изоҳи, талқини, тадқиқот методологияси ва мисоллар асосида қуйидагича хуласа қилиш мумкин.

Биринчидан, муаллиф “мен”и мақоланинг ўзагини ташкил қилиб, марказий бошқарув нуқтасида бўлиши, факт, рақамлар асосий нуқтани назарни тўлдирувчи, изоҳловчи восита сифатида кўлланилиши мухим. Мавзурақамлар асосида ёритилганда ҳам муаллиф ушбу далиллар орқали нуқтаи назарини яққол акс эттириши, мақсадини аниқлаштириши зарур.

Иккинчидан, сиёсий мавзулар ифодасида муаллиф “мен”ининг

икки ҳолати кузатилади. Яъни, мавзуга нисбатан муаллиф “мен”ининг аслий кўриниши ёки аксинча мавзу учун шакллантирилган, сиёсий муҳитга мослаштирилган “мен”дан ташкил топади.

Учинчидан, технологик тараққиёт ва ахборот асрида муаллиф “мен”ининг ифодаланиши, сиёсатчилар портретини вербал ва визуал ёритищдаги услубий ёндашувлар, шунингдек, мазкур ривожланиш даврида муаллиф позициясининг қатъйилиги муҳим ҳисобланади.

Тўртингчидан, муаллиф “мен”ида шахс “мен”ига хос хусусиятларнинг акс этиши. “Мен” кўринишларининг узвийлиги, ушбу боғлиқлик муаллиф нұқтаи назарида акс этиши сиёсий етакчилар фаолиятини ёритиши компонентларини ташкил қиласи ва самарадорлик омилини кўрсатади

Адабиётлар рўйхати

Алимов Б. Замонавий медиа муҳитда мамлакат имижининг когнитив аспектлари // [Электрон манба] <https://beruniyalimov.uz/archives/511>. (мурожаат сана: 09.05.2023).

Алимов X. M. Психологияда “Мен”-концепция ва тасаввух // Молодой ученый, 2021. – № 11 (353). – С. 261 // [Электрон манба] <https://moluch.ru/archive/353/79078/> (мурожаат сана: 15.04.2023).

Bickerton J. Donald Trump Braces for Second Indictment as Legal Problems Pile Up // Newsweek, 2023. [Электрон манба] <https://www.newsweek.com/donald-trump-braces-second-indictment-legal-problems-1796467>. 4/25/23 AT 5:36 AM. (мурожаат сана: 25.04.2023).

Дабагян Э.С. Уго Чавес. Политический портрет. – М.:2005. – 120 с // [Электрон манба] <https://cyberleninka.ru/article/n/ugo-chaves-politicheskiy-portret> (мурожаат сана: 28.04.2023); Фрейджер Р., Фэйдимен Д. Теории личности и личностный рост. [Электрон манба] https://www.gumer.info/bibliotek_Buks (мурожаат сана: 18.04.2023); Джукман Элиса Раид Нахлех. Соотношение понятий “речевой портрет” и “языковая личность” // Мир науки, культуры, образования, 2019. – № 2 (75) // [Электрон манба] <https://cyberleninka.ru/article/n/sootnoshenie-ponyatiyu-rechevoy-portret-i-yazykovaya-lichnost> (мурожаат сана: 03.05.2023); Шарофиддинов О. Ижодни англаш баҳти. – Т.: Шарқ, 2004. – 631 б; Эшонқул Н. “Мен”дан “мен”гача. – Т.: Akademnashr, 2014. – Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунаварлиги. – Т.: Mumtoz so’z, 2011. – 313 б.

Жонибеков З., Аввалбоев И., Шокиров А. Замон шиддати биздан янги мэрралар сари интилиб яшашни такозо этади // Халқ сўзи газетаси. – 2023. – № 65 (8408) // [Электрон манба] [file:///C:/Users/Lenovo/Downloads/_Xalq%20so'zi_%20gazetasi-65-2023-04-01%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/Lenovo/Downloads/_Xalq%20so'zi_%20gazetasi-65-2023-04-01%20(1).pdf). (мурожаат сана: 13.04.2023).

Қирғизбоеv M. Сиёсатшунослик. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. – Б 9. // Аристотель. Соч.: В 4-х т. Т.4/Пер.с древнегреч.; Общ.ред.А.И.Доватура. – Москва: Мысл, 1984. – С. 398.

Курбонова С. Хуршид Дўстмуҳаммад: “Муаллиф нұқтаи назари таҳлилда кўринади” // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2010. – № 17 // [Электрон манба] <https://ziyouz.uz/suhbatlar/hurshid-dustmu-ammad-muallif-nu-tai/23.06.2014> (мурожаат сана: 08.05.2023).

Тренин Д. 20 лет Владимира Путина: трансформация внешней политики // Ведомости, 2023. [Электрон манба] <https://www.vedomosti.ru/opinion/articles/2019/08/14/808755-20-let-putina> (мурожаат сана: 23.04.2023)

Тўлаганова С. XXI аср романини Назар Эшонқул ёзса керак // [Электрон манба] <https://oyina.uz/uz/article/888>. 14/06/2022/22:15. (мурожаат сана: 10.04.2023).2:

Улугбек Ҳамдам. “Муаллиф ўлеми”га сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи) // “Шарқ юлдузи”, 2014. – № 1.[Электрон манба] <https://ziyouz.uz/ilm-fan/adabiyot/ulugbek-hamdam-muallif-olimi-ga-siz-ham-ovoz-berasizmi-yoki-asl-ijod-soginchi/> (мурожаат сана: 22.04.2023)

Фрейджер Р. Теории личности и личностный рост. Прайм-Еврознак, 2004 // https://royallib.com/book/freydger_robert/teorii_lichnosti_i_lichnostniy_rost.html (мурожаат сана: 15.04.2023).

жаат сана: 09.05.2023).

Бу ғалаба билан фаҳрланаман – Саида Мирзиёева зўравонликка қарши қонун имзоланганини маълум қилди. [Электрон манба] <https://m.kun.uz/news/2023/04/11/prezident-ayollar-va-bolalarini-zoravonlikdan-himoyalashga-oid-qonunni-imzoladi>. 15:27 (мурожаат сана: 29.04.2023). 4.06. 22:15 / 14.06.2022 22:15 / 14.06.2022 2022 22:15 / 14.0.2022.

Мигрантлар – фидойи фарзандларим. Агар раҳбар бўлиб ишласам, улар ҳеч қачон соликқа тортилмайди – Шавкат Мирзиёев // XXI asr, 2021. [Электрон манба] <https://21asr.uz/k/Siyosat/1593>. 10/16/2021. (мурожаат сана: 10.04.2023).

Танзила Нарбаева Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат қўмитаси раиси Чон Хе Чол бошчилигидаги делегация билан учрашди // Халқ сўзи, 2023. [Электрон манба] <https://xs.uz/uzkr/post/tanzila-narbaeva-koreya-respublikasi-millij-assambleyasi-atrof-muhitni-muhofaza-qilish-va-mehnat-qomitasi-raisi-chon-khe-chol-boshchiligidagi-delegatsiya-bilan-uchrashdi> 09.05.2023 10:42. (мурожаат сана: 10.05.2023).

Трамп махфий хизмат иш ҳаки фондининг бир йиллик пулини сарфлаб бўлди // [Электрон манба] <https://kun.uz/48306457>. 21.08.2017. 20:05. (мурожаат сана: 10.05.2023).

АВТОРСКОЕ «Я» В ПОЛИТИЧЕСКОМ ПОРТРЕТЕ: МЕСТО, УЧАСТИЕ И ВЫРАЖЕНИЯ

Е.Н. Комилова, Университет журналистики и массовых коммуникаций

Аннотация: В статье рассматривается сущность авторского “я” и его проявления в политическом портрете прессы и интернет-изданий. Изучены актуальность, методологические методы в теории журналистики. Анализируются авторская точка зрения, роль и участие в интерпретации образа политического лидера и его политического имиджа.

Ключевые слова: политический портрет, авторское “Я”, стиль, мастерство, политический деятель, лидер, политический образ.

AUTHOR “I” IN A POLITICAL PORTRAIT: PLACE, PARTICIPATION AND EXPRESSIONS

Yo.N. Komilova, Journalism and Mass Communications University of Uzbekistan

Abstract: This scientific article examines the essence of the author's “I” and its expressions in the political portrait of the press and internet publications. Relevance, methodological methods in the theory of journalism are studied. The author's point of view, role, and participation in the interpretation of the image of a political leader and his political image are analyzed.

Keywords: political portrait, author's “I”, style, skill, political figure, leader, political image.
About the author: